



128

Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Гулобод қо'ғ'они.  
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулобад, Самарқандского района, Самаркандской области  
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

2016-й.г. «8» сентябрь

№ 34-К

**“Улугбек” кишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиарик” маҳалласи ҳудудидан  
фуқаро Васиев Анвар Муминжановичга миллий хунармандчилик  
(уймакорлик ва мисгарлик) устахонаси қуриш учун ер майдони  
ажратиш тўғрисида.**

Самарқанд шаҳар Наврўзи кўчаси 16 уйда яшовчи фуқаро Васиев Анвар Муминжанович туман ҳокими номига “Улугбек” кишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиарик” агрофирмаси ҳудудидан миллий хунармандчилик (уймакорлик ва мисгарлик) устахонаси қуриш учун ер майдони ажратишни сўраб ёзган аризаси, туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг Давлат экологик экспертизаси хулосаси, “Кишлоқ-қурилишлойиҳа” масъулияти чекланган жамиятининг 2011 йил 11 апрел 123 сонли хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26-февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ва кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкаларини бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

**Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :**

1. Самарқанд шаҳар Наврўзи кўчаси 16 уйда яшовчи фуқаро Васиев Анвар Муминжановичга “Улугбек” кишлоқ фуқаролар йиғини “Янгиарик” маҳалласи ҳудудидан миллий хунармандчилик (уймакорлик ва мисгарлик) устахонаси қуриш учун 0.08 га кишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ер танлаш хайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Васиев Анвар Муминжановичга миллий хунармандчилик (уймакорлик ва мисгарлик) устахонаси қуришдан олдин қатъий равишда Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39, 54 моддаларига амал қилган ҳолда архитектура талаблари топшириги (АРТ), лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиши экспертизаси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.